

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИНГ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 31 МАРТ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 14 (562) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolatgazeta@sarkor.uz

Ушбу сонда:

ФАОЛИЯТ ВА
ТАДБИРДА
ТАЪБИРЧАНЛИК

анжуман

ИСЛОҲОТЛАР
ТУРМУШ
ФАРОВОНЛИГИНИ
ОШИРАДИ

2

“МОВИЙ УЙ”
СИНОАТИ

Корея парламент
тизими

ДЕМОКРАТИЯМИ
ЁКИ ...

Шарҳловчи минбари

3

ХОҲИШ ВА
ИСТАКЛАР

психолог маслаҳати

ОЛОТДАН
ЧИҚКАН
АЛПОМИШ

спорт

4

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

Аввал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28-30 март кунлари давлат ташифи билан Корея Республикасида бўлди.

Бу Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга туртинчи сафари бўлди. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги, хусусан, ўтган йилнинг май ойида Жанубий Корея раҳбари Но Му Хённинг Ўзбекистонга таширифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган кўплаб келишувлар билан аяқлангани икки томонлама ҳамкорлик самарали ривожланиётганидан далолат беради. Шу маънода Ислам Каримовнинг Сеулга бу гагли сафарини Тошкент музокараларининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.

Президентлар аввал яккама-якка, кейин расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар олиб бордилар. Но Му Хён ўзининг Тошкентта сафарини ёдга олиб, меҳмондўстлик ва самимий муносабат учун Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон раҳбари Тошкентда илгари сурган таклифини, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш вақти етганини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари кўп масалаларда ҳамфикр. Стратегик шериклик борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди ва музокаралар якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шубҳасиз, бу ҳужжат таширф давомида эришилган энг муҳим келишув бўлди.

29 март кунини Ўзбекистон Президенти Корея Республикасининг етакчи иқтисодий ташкилотлари — Саноатчилар федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари ҳамда Миллий ассамблея (парламент) Спикери билан мулоқотда бўлди.

Ишбилармон доираларнинг йирик вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонда Жанубий Корея бизнесини янада кенгайтириш, икки мамлакатнинг тегишли иқтисодий ташкилотлари, фирма ва компаниялари, корхоналари ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалалари томонларнинг диққат-марказида бўлди. Алоқаларнинг янги йўналишларини очиб имкониятлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида олий қўнун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш парламент Спикери билан суҳбатнинг бош мавзуси бўлди. Ким Вон Ки билан мулоқотда Ислам Каримов келгусида бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тағминига янада бўлишига ишонч билдирди. Ўзбекистоннинг янги шаклланиган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб, Корея парламентарийларини ўзаро тажриба ва ахборот алмушувни кучайтиришга даъват қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик алоқалари расмийлаштирилгани муно-

сабати билан бу ўринда мазкур воқеанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларига тўхталиш жоиз. Одатда сиёсий алоқаларга асосан халқаро муаммоларга қарашлар уйғунлиги ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда баҳо берилди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр. Бу Сеул музокараларида яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакиллари билан нозодини кўлаб-қувватлади. Шу кунларда Сеул сиёсий доираларида мамнуният билан қайта-қайта тилга олинган мавзу — Ўзбекистон БМТ Бош қотиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлаётгани бу фикрнинг ёрқин исботидир. Бу хусусда кўп мисол келтириш мумкин. 2005 йилнинг ўзига Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадалари бўйича қўмитасига ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодомий аъзоллигига Корея Республикаси томонидан курсатилган номзодларни кўлаб-қувватлади.

Тошкент Сеулнинг Корея ярим-оролда Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-шарқий Осиёни бирлаштириш ривожлантиришга қаратилган “тинчлик ва фаровонлик” сиёсатини ҳам

кўлаб-қувватлади.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислохотларни кўлаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сиёсий ҳамкорликни белгиловчи яна бир бўгин — ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдаёқ ўзаро энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий этилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан саналади ва бу борада Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида етакчи ўрин тутади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошди, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодига киритган сармоси эса 1,5 миллиард доллардан ошади. Ўн йилдан буён нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бир неча мамлакатларида ҳам “ЎЗДЭАВТО” қўшма корхонаси мақсулотларининг бозори қаққон. Россияда “ЎЗДЭАВТО” автомобиллари энг кўп сотиладиган хориж автома-

(Давоми 2-бетда.)

Партия кўзгуси

Аниқ мақсад йўлида

Ш. САРИБЕВ,

“Адолат” мухбири

“Адолат” СДП Жиззах шаҳар Кенгашининг Хомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган йилги йиғилиш бўлиб ўтди. Йилги йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия Сиёсий Кенгашининг биринчи қотиби Дилором Тошмухамедова сўзга чиқди.

Фракция раҳбари ҳар бир йилни халқ ва мамлакат манфаатлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият тинчлиги ва оқилоланиши таъминлашга, инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ном билан аташ ўзига хос аъёнага айланганлигини таъкидлаб ўтди. Партиянинг жамият ҳаётида туган ўрни ҳақда алоҳида тўхта-лар экан, у жумладан шундай деди:

— Хуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга муносиб ҳисса қўиши, ижтимоий адолат мезонларига тўлиқ риоя этилиши учун курашиш энг асосий мақсад ва вазифамиздир. Бунга фуқароларнинг хуқуқий онги ва дунёқарашини шакллантирмасдан эришиб бўлмайди. Хуқуқий билим, онг ва маданиятни ошириш учун мунтазам самарали фаолият юритиш эса партияимизнинг ўзига хос белгиларидан биридир.

Йилги йиғилишда Олий Мажлис депутати, фракция аъзоси Зухра Ботирова ҳам маъруза қилди.

— “Хомийлар ва шифокорлар йили” Дастурида ҳомийлик маблағлари ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламини муҳофаза қилишга қаратилиши белгиланган, — деди нотик ўз сўзида. — Шу билан бирга шифокорлар, уларнинг касбига бўлган эътибор, кадр-қимматини ошириш ҳам назарда тутилган. Партияимиз ва фракцияимиз аъзоларининг қўл-қўлиги тиббиёт соҳаси вакиллари билан. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир партия аъзоси бу борада жойларда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши лозим.

Музокараларда сўзга чиққанлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик фаолиятини кўлаб-қувватлаш, банк тизимини такомиллаштириш каби масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шу билан бирга, партиянинг барча бўгинларидаги ташкилотлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда аъзолар имкониятларини бирлаштирган ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирларни белгилаб, бу борада доимий фаолият олиб боришлари лозимлиги таъкидланди.

Йилги йиғилиш сўнггида партия сафига қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Иш билан таъминланди

Пиромуқа ДУСТМАМАТОВ

Яқинда Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида туман меҳнат ва аҳоли ижтимоий ҳимоялаш бўлими, туман прокуратураси, “Адолат” СДПнинг туман Кенгаши ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида “Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар” ярмаркаси ташкил қилинди. Аҳолининг барча қатламлари аввалдан хабардор этилгани туфайли тадбирга кўпчилик қатнашди. Ярмарка ўтказиш учун деҳқон бозори худуди танлангани ҳам барчага маъқул ва манзур бўлди.

Тадбирни туман меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Мирзахотам Мирсофозов оқди. Эътиборлиси, ҳар қадамда “Ишга марҳамат!”, “Ишга таклиф этамиз!”, “Сизни касб-хунарга ўқитиш маркази кутади” сингари шiorлар ва эълонлар тахталари кўзга ташланари. Корхона, муассаса раҳбарлари, муружат этган фуқароларнинг барча саволларига батафсил жавоблар беришди.

— Олис қишлоқдан Пахтабод кўрғонига келин бўлиб тушганман дейди, ярмарка қатнашчиси Тоҳира Хонимқўлова. — Икки нафар фарзандим бор. Маълумотим ўрта махсус. Оилавий шароит туфайли ишсиз эдим. Шукрки, ярмаркага келиб, ўзимга маъқул келадиган иш топдим. “Пахтабод” пахтани қайта ишлаш корхонасининг лаборатория бўлимида иш бор экан. Маошини тузуққина, дейишяпти. Уйдагилар ҳам роса қувонадиган бўлди.

— Мен ўтган йили ярмарка туфайли “Сулаймонова Юлдуз” ўқув марказига қатнаб, белгил хунарга ўргандим, — дейди ярмарканинг яна бир иштирокчиси Ирода Мусаева қувониб. — Энди бичишти-киш менга муаммо эмас. Бунинг учун ярмарка ташкилотчиларидан миннатдорман.

Меҳнат ярмаркаси кўннинг ярмигача давом этди. Ярмаркада тумандаги 23 та ташкилот 53 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Қувонарлиси, ишсиз фуқаролар иш билан таъминланди.

Соғлом турмуш тарзи

Халқимиз учун фаровон ҳаёт куриш мамлакатимизда амалга оширилаётган илохотларнинг асосий мурод-мақсадидир. Таъкидлаш жоизки, бундай фаровонлик ўзича ҳосил бўлмайди, бунга аввало соғлом турмуш тарзини қарор топ-тириш йўли билан эришилади.

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сирдарё вилояти Кенгаши ва Соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан “шо-хар поликлиникаси шароитида умумий шифокорлик амалиёти” мавзусида ўтказилган семинар ана

шу долзарб масалага бағишланди. Уни партия вилоят Кенгашининг биринчи қотиби, соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича биринчи муоҳосил бўлмайди, бунга аввало соғлом турмуш тарзини қарор топ-тириш йўли билан эришилади.

Ташкилотчиларидан миннатдорман.

нинг умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш бўйича ўқув маркази раҳбари Нарғизабону Нормухаммедова “Аҳоли ўртасида касалликлар олдини олиш ва соғлом турмуш тарзи даражасини юксалтириш омиллари” мавзусидаги маърузаси тингловчиларнинг қизиқишини ортисида сабаб бўлди. “Саломатлик Плюс” лойиҳаси мутахассиси Евгений Цой “Соғлиқни сақлашнинг бошлангич бўлини шароитида аҳолига тиббий ёрдам сифатини ошириш масалалари” тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан уртқоқланди.

Партиядошлар ҳашарда

Б. РАҲМАТОВ

Ҳар йили фасллар келинчаги — баҳор кириб келиши билан республикамизда кенг қўламли ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилади. Кексалар, меҳр-муруватга муҳтож юртдошларимиз ҳолидан хабар олинади. Бу йил ҳам халқимизнинг энг сеvimли байрамларидан бири Наврўз арафасида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида умумхалқ ҳашари ўтказилиб, кўча ва хийбонлар, боғлар, ариқ ва зовулар тозаланиб, турар-жойлар тартибга келтирилди.

Умумхалқ ҳашарида барча юртдошларимиз қатори Тошкент вилояти “Адолат” СДП аъзолари ҳам фаол қатнашдилар. “Хомийлар ва шифокорлар йили” дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, санитария-эпидемиологик вазиятни янада ахшиллаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришда партия вакиллари фаол қатна-шибгина қолмай, ўзларининг бир қунилик иш ҳақларини халқаро “Экосан” хайрия жамғармаси ҳисоб

рақамига ўтказдилар.

— Умумхалқ ҳашарида туманимиз ва шаҳримиз аҳолиси фаол қатнашиб, катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ишларини бажа-ришди, — дейди Оҳангарон туман партия Кенга-шининг биринчи қотиби Мурот Шометов. — Шу кунини Тошкент-Андижон-Уш йўлининг икки томо-нига кўлаб манзарали кўчатлар экилди, йўл чети-даги дарахтар оқланди. Уларга шакл берилиб, ан-войи гуллар экилди. Умумхалқ ҳашарида партия-дошларимиз алоҳида ибрат кўрсатишди.

— Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси-нинг 170 нафар эколог ҳам ушбу худудда ажратил-ган 3 километрик масофада меҳнат қилишди. Шу-лардан 140 нафари партия аъзоларидир, — дейди бошлангич партия ташкилоти қотиби Абдукарим Абдураимов. — Меҳнат жамоамиз 257 минг сўмлик бир кунлик иш ҳақларини “Экосан” халқаро жам-гармасининг виллоят бўлими ҳисобига ўтказдилар. Умумхалқ ҳашари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида зўр уюшқоқлик билан ўтказилди.

“Адолат”га жавоб берадилар

Тадбир давом этмоқда

Газетамизнинг 2006 йил 28 февраль сониде “Кинофильмлар маънавий озуқа-ми?” сарлавҳали таҳлилий мақола чоп этилиб, унда аудио ва видео кассеталар, лазер дисклар савдосида бўлаётган ноқонуний хатти-харакатлар тилга олинган эди. Мақола юзасидан Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Гадоев имзоси билан қарориятимизга қуйидаги жавоб хати келди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги “Гастрол-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285-сонли қарори ижросини таъминлаш учун Давлат солиқ хизмати органлари томонидан тегишли назорат ишлари олиб борилмоқда.

Эзули аудио-видео кассета ва лазер дискларни белгиланган тартиб-да сотилишини назорат қилиш юзасидан ўтказилган рейд тадбирлар давомида ноқонуний сотилаётган умумий қиймати 228,9 миллион сўмлик аудио, видео кассеталар ва лазер дисклар далилий ашё сифати-да олиб қўйилган.

Ўтказилган текширишларда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 81 нафар шахсга нисбатан 2,3 миллион сўм маъмурий жарима, 48 та ҳўжалик юритувчи субъектларга 15,9 миллион сўм молиявий жарималар қўлланилган. Шунингдек, суд органлари томонидан 636 нафар шахсга 12,6 миллион сўм маъмурий жарима қўлланилган.

“Адолат” ижтимоий-сиёсий газетасида чоп этилган “Кинофильмлар маънавий озуқа-ми?” сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган ҳолат-лар юзасидан назоратни кучайтириш бўйича худудий солиқ органла-рига тегишли кўрсатмалар берилди.

Мазкур йўналиш бўйича қўнунбузарликларни олдини олиш бора-сида Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан жойларда тушунти-риш ишлари олиб борилиб, бу борада тегишли назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.”

«Адолат»га обуна давом этмоқда


Азиз муштарий!
Сиз 2006 йилда ҳам ижтимо-ий-иқтисодий, сиёсий ва хуқуқий соҳаларда юз бераётган янгилик ва ўзгаришлардан доимо хабардор бўлишни, долзарб мавзудати та-

лилий ва танқидий мақолаларни ўқини истасангиз «Адолат»га обу-на бўлинг! Айни пайтда почта ва алоқа бўлимларида «Адолат»га обу-на давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичи — 100

Қишлоқ хўжалиги

Мавсумдаги уюшқоқлик

Доно халқимиз бисотида “Ҳамал кирди — амал кирди” деган пурҳикмат нақл бор. Бу беҳизга эмас. Чунки, эрта кўламадан деҳқон кечани-кеча, кундузни-кундуз демай экин-тикин экиш пайида бўлади. Олис Сурхондарёнинг Шўрчи тумани захматқар деҳқонларининг ҳам айни кунларда қўли-қўлига тегмайди. Туман бободеҳқонлари мавжуд ер майдонларини мавсумга тайёрлаш, пахта уруғини плёнқа остига экишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Айниқса, тумандаги Охунбобоев



ширкат хўжалиги 12-ойлавий пудратнинг ерни тилини биладиган 8 нафар аъзоси тиним билмай меҳнат қилмоқда. Улар ўтган 2005 йили ҳам 8 гектар ер майдонидан 47 центнер хосил кўтариб, давлатга пахта сотиш режасини ортиги билан уддалаган-ди. Айни мавсумда ҳам улар экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиб, кўпчиликка ибрат бўлапти.

СУРАТДА: 12-ойлавий пудрат бошлиғи Камолиддин Ҳазнаев ва пудрат аъзолари иш устида.

Т. ТЕМИРОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ — СТРАТЕГИК ҲАМКОР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Корея Республикаси томонидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 77 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағ телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, икки юздан зиёд коллежни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга, уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Бундан ташқари, Жанубий Корея Эксимбанки томонидан берилган имтиёзли кредитлар "УздЭУавто" қўшма корхонасида "Матиз" русумли автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (35,9 миллион доллар) ва ипақ йиғирувчи корхоналарни қайта жиҳозлаш (2,5 миллион доллар) лойиҳаларига сарфланган.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали техникавий ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Жумладан, шу кунгача КОИКА дастурлари бўйича турли вазирлик ва идораларнинг 630 вақили малака ошириш, Миллий жүгройфи ахборот тизими, Жаҳон иқтисодийоти ва дипломатия университетидега электрон кутубхона барпо этилмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий Корея сармосия иштирокида тузилган 138 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва энгил саноатда, металлни қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритади. Айни пайтда Жанубий Кореянинг 37 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган.

Савдо-иқтисодий алоқаларга доир жорий масалаларни мунтазам муҳокама қилиб бориш мақсадида иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича Ўзбекистон-Корея ва Корея-Ўзбекистон кўмиталари тузилган.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ривожига "Ўзбекистон-Корея Рес-

публикаси" дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш учун 1992 йили Тошкентда ташкил этилган Корея таълим маркази муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институтида корейс тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимиз бўйлаб 9 олий ўқув юртида корейшунослик кафедралари ташкил этилган, 112 мактабда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида Фанлар академиялари, Таълим, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Корея Республикасини ўзаро муносабатларини янги босқичга қўтаришга ундайди. Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, бу вазиятда тарихий қонуниятлари ўртага чиқади.

Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва сармосия, саноат, нефть-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби кўпга соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир қирқдан зиёд ҳужжат имзоланди. Уларда қўзғалган умумий маблағ 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Масалан, "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси билан Корея нефть корпорацияси ўртасида имзоланган Фарғонада геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимнинг молиявий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг. "Ўзбекнефтегаз" билан "КОГАЗ" компанияси ўртасида Устюртда геология-разведка ишларини олиб бориш бўйи-

ча тузилган ҳужжатга биноан газ конларини тадқиқ этиш учун Ўзбекистонга 62,4 миллион доллар сармоя киритилади. "Ўз-Корес майнинг" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйишни қўзда тутувчи Таъсис шартномасининг қиймати эса 204,2 миллион долларга тенг. Ташкил этилиши фаолият миллий банки билан Эксчейнж-банк ўртасида тузилган кредит битими — 20 миллион доллар, Ўзбекистон Молия вазирлиги билан Корея Эксимбанки ўртасида тузилган умумий таълим мактабларини ахборотлаштириш лойиҳасини молиялаштириш тўғрисидаги битим — 30 миллион долларлик молиявий қийматга эга.

Буларнинг барчаси Президентимизнинг сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда айтган сўзларининг ёрқин тасдиғидир. Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, икки томон ҳам бир масалани теран ҳис этади: стратегик ҳамкорлик хис этади. Таъсис шартномаси қўзғалган катта ҳиссаси учун Ислоҳ Каримов шундай шарафга сазовор бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф арафасида Сеулда Президент Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайд" китоби корейс тилида чоп этилди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи кенг ёритиб борилди. Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасида деярли барча соҳаларда ҳамкорликни янги поғонага қўтариш имкониятларини очгани, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шеърлик муносабатлари расмийлаштирилгани ва бу муносабатларини мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асос билан таъминлагани билан тарихга кириши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махус мухбири, Тошкент-Сеул-Тошкент.

Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этди. Икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунги мамлакатимиз раҳбари Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия ва иқтисодиёт вазири Хан Док Суни ҳам қабул қилди. Мулоқотда ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, ишбилармонларнинг ҳамкорлигини рағбатлантириш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислоҳ Каримовнинг Сеул мэриясидаги учрашуви яна бир тантанасига сабаб бўлди. Корея Республикаси пойтахтининг мэри Ли Мёнг Бэк Ўзбекистон Президентини "Сеулнинг фахрий фуқароси" деб эълон қилди. Ушбу воқеага бағишланган маросимда Ўзбекистон ва Корея халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш, Тошкент билан Сеул ўртасида биродарлик ришталарини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун Ислоҳ Каримов шундай шарафга сазовор бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ташриф арафасида Сеулда Президент Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайд" китоби корейс тилида чоп этилди.

Жанубий Корея оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи кенг ёритиб борилди.

Мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасида деярли барча соҳаларда ҳамкорликни янги поғонага қўтариш имкониятларини очгани, Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шеърлик муносабатлари расмийлаштирилгани ва бу муносабатларини мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий асос билан таъминлагани билан тарихга кириши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА махус мухбири, Тошкент-Сеул-Тошкент.

Фаолият ва тадбирда таъсирчанлик

Бўлмаса кўзланган мақсадга етишиш қийин, — дейишди Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят кенгашининг V пленуми иштирокчилари

Музаффар АБДУШУКУРОВ, "Адолат" мухбири

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят кенгашининг V пленуми бўлиб ўтди. Пленумни "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Турғун Иргашев бошқарди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлисида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларига бағишланган йиғилишида сузлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда партиянинг яқинда бўлиб ўтган V пленумида кўтарилган масалалар юзасидан вилоят партия Кенгаши иккинчи котиби Махмуд Мўйдинов маъруза қилди.

— Давр биздан халқ ичига дадил кириб боришни талаб этмоқда, — деди нотиқ ўз сўзида. — Бунинг учун жон қуйдириб, фидоийлик билан ишлашимиз керак. Аёнки фаолиятимиз самарадорлиги, аввало, бошлангич ташкилотлар фаоллигига, ишчанлигига чамбарчас боғлиқ.

Тан олишимиз керак, Сиёсий Кенгаш пленумида қайд қилинган камчиликлар бизнинг фаолиятимизда ҳам мавжуд. Зеро, шундай экан, билдирилган фикрлардан тугри хулоса чиқариб, ишларни илҳомий бурчи билан ериштириш лозим.

Шунга қарамай айрим партия ташкилотлари: Чирчиқ шаҳар, Тошкент, Заңги-ота, Оққурғон, Бекобод туман партия Кенгаши етакчилари фаолиятда ташаббускорлик сезилмаётгани, ушбу ташкилот-

ларда партия ишлари ўзи бўларлик ҳолатига ташлаб қўйилган. Вилоят партия ташкилотининг IV Конференцияси қароридеги шаҳар ва туман партия Кенгашлари ўз муҳр ва бланкасига ҳам маҳаллий

Партияимизнинг янги Низом ва Фаолият дастури асосида партия аъзоларини рўйхатга олишни давом эттираймиз.

Музокараларда фаоллардан Толип Турраев, Насиба Аҳмедова, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутаты Турсунхўжа Искандаров, "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги фракцияси раҳбари Нўрмун Насимов, Гулзира Шарипова, Абдурахим Айтматов, Бука туман партия Кенгаши биринчи котиби Мўртабар Холиқова ва бошқалар сузга чиқиб, бошлангич партия ташкилотлари ишини жонлантириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Сиёсий Кенгаш котиби Равшан Ҳайдаров жойларда партия Кенгаши ва ташкилотларининг фаоллигини янада жонлантириш, бадаллар йиғилиш тартибга солиш, кўпроқ йиғилишлар ўтказиш, келгуси сайловгача аъзоларни бажарилмай қолмоқда. Бундан ташқари ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисоботлар ҳам вақтида берилмайд.

Кейинги пайтда партия сафларига кўплаб билимдон, ташаббускор ёшлар кириб келмоқда. Аввало, ана шундай ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Узининг билимдонлиги, меҳнатсеварлиги билан эл-юрт эътиборини қозонган фидоий ўғил-қизларимизни партиянинг етакчи раҳбарлари лавозимларига тайёрлаб боришимиз лозим.

Вилоят партия ташкилоти кейинги пайтда сон ва сифат жиҳатидан бирмунча яхшиланди.

Пленумда партиянинг ҳудудий ташкилотлари иши чуқур таҳлил қилиниб, зарур тақлиф ва тавсиялар берилди. Жойларда партия ташкилотлари таъсирчанлигини ошириш, уларнинг қўламини кенгайтириш, партия сафларига янги аъзоларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар танқидий баҳоланди. Аинқиса, муносив кадрларни тайёрлаш ва уларнинг сиёсий савиясини, фаоллигини юксалтириш борасидаги ишларни жонлантириш зарурлиги билдирилди.

Пленум кун тартибидеги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ислоҳотлар турмуш фаровонлигини оширади

Д. САДУЛЛАЕВ, "Адолат" мухбири

Анжуман мавзуси

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани асосан мамлакатимиз Президентининг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тарихотини республика оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган бўлса-да, унда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар) ни фермер хўжалиқларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ишловларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, 11 январдаги 255-сонли қарори ижроси йўлида қилинган ва қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам батафсил сўз борди.

Мамлакат Бош вазирининг матбуот котиби Ш.Қудратхўжаев иштирок этган мазкур анжуманда Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари мажмуаси таркибига кирувчи вазирлик, идора ва муассасаларнинг мутасадди мутахассислари журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб бердилар.

— Президентимизнинг «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, — деди ўз сўзида Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Абдувоҳид Жўраев, — тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлди. У хусусан, қишлоқ жойларида аҳолининг бандлик даражасини кўтариш воситасида уларнинг турмуш фаровонлигини ва даромадларини оширишда ҳамда ижтимоий ҳимоясини кўчатиришда муҳим қадамлардан биридир.

Ҳамоҳанглик

Вазир ўринбосари сўзларини тинглар эканман, кўз олдимда партияимиз уставидега қайд этилган муҳим бандлардан бири жонланди: «Республика фуқароларининг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳолининг муҳофазасини таъминлаш борасида тақлифлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш».

Президентимиз қарорига ҳамоҳанг ушбу мақсад замирида ҳам, шубҳасиз, шахсий томорқа, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорвачиликни жадал ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шароитлар яратилиши, бандлик муаммоларининг ҳал этилиши каби вазифалар ётганлиги, мулақо табиийдир.

Қолаверса, биз бу ҳамоҳангликнинг давлатимиз раҳбарининг юқоридега номлари қайд этилган яна икки қарори ва фармони замирида ҳам аққол сеза олдик. Жумладан, уларга қўра бугунги кунда амалга оширилган ва ҳали амалга оширилиши давом этаётган кенг қўламли ишлар ижроси ҳозирроқ кўзга ташланиб қолди.

Қарор устуворлиги

Матбуот анжуманида «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни бежизга тарихий аҳамиятга молик ҳужжат деб таърифлашмади. Унинг устуворлигини нафақат мазмун ва моҳиятида, балки «Адолат» СДПнинг Устави ҳамда фаолият дастурида кўзланган қўламлаларга мослигида, яъни, аҳолининг турмуш фаровонлигига хизмат қилиши муқаррарлигида ҳам қўра оляпимиз.

Чунончи, эндиликда шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчиларга меҳнат дафтарчалари очилади-ган ва юриктиладиган бўлади. Фуқароларнинг шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан бандлик даври (улар томонидан пенсия фондига сугурта бадали тўланган тақ-

Рақамлар, далиллар

- Жорий йилда асосан паст рентабелли ва истискога эга 428 та, Ҳуқуқат Комиссияси қарори билан яна 19 та, жами — 447 та қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.
- Тугатилаётган хўжаликларнинг жами ер майдони 1499,5 минг гектарни ташкил қилиб, шундан ташкил этилган фермер хўжалиқлари тарқатилиши керак бўлган 726 минг гектар ер майдонида 35119 та фермер хўжалиқларини ташкил этиш режалаштирилган.
- Ҳозиргача 34637 та фермер хўжалиқлари ташкил этилиб, уларга 716564 гектар ер майдонлари узоқ муддатли ижарага берилган. Жумладан, ташкил этилган фермерларнинг пахта ва галлачилик йўналишида 15670 таси (582 минг гектар), 13150 та (27,2 минг гектар) боғ ва токзор йўналишлари (қолганлари бошқа иختисосликлар) бўйича ташкил этилган фермер хўжалиқларини ташкил этади.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги 255-сонли қарорига асосан мева-сабзавотчилик ва узумчиликка иختисослашган 210 та ва Ҳуқуқат Комиссиясининг қарори билан 9 та, жами 219 та қишлоқ хўжалик корхоналарини фермер хўжалиқларига айлантириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.
- Жорий йилда тугатилаётган ширкат хўжалиқларида 758,2 минг гектар ер майдонларида 29895 та фермер хўжалиқлари ташкил этилиши режалаштирилган. Жумладан, 39219 та фермер хўжалиқлари ташкил этилиб, уларга 311,1 минг гектар ер майдонлари бириктириб берилган. Шундан 2464 та (62,7 минг гектар) пахта ва галла йўналишлари, 4854 та (66,9 минг гектар) сабзавот-полиз ва боғ-узумчиликка иختисослашган 29895 та (83,5 минг гектар) ер майдонлари узоқ муддатли ижарага берилган ҳолда фермер хўжалиқлари ташкил этилган.
- Чорвачилик мажмуалари ва чорва молларининг сотувга қўйилган қиймати 11986 млн. сўмлик бўлиб, шундан 8245 млн. сўми сотувга қўйилган. Бугунги кунда 5462 млн. сўмлик сотилган.

дирда) пенсия тайинлаш учун меҳнат стажы ҳисобланади. Пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш учун эса пенсия фондида сугурта бадалларининг имтиёзли миқдори белгиланган. Бундай бадалларнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизини ташкил этади.

Қарорда қорамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлашнинг самарали механизмлари ҳам назарда тутилди. 2006-2010 йиллар мобайнида бу мақсадларга жами 158 млрд. сўм ажратилиб, унинг 30,5 млрд. сўми Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бандлик жамғармасидан ва 127,3 млрд. сўми тижорат банклари маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда маҳалла қўмиталарининг кафилияти билан чорвачиликни ривожлантириш учун фуқароларга тижорат банклари томонидан имтиёзли ва мақсадли кредитлар ажратилиди. Боз устига, бу механизмнинг содда-лаштирилган тартиби ҳам жорий қилинади.

Шу кунларда қишлоқ жойларида кам таъминланган ва кўп болали оилаларни аниқлаш ишлари йўлга қўйилмоқда. Ҳар бир қишлоқ туманида 100 тадан 200 тагача ана шундай оилалар аниқланиб, уларга биттадан ситир ажратилиш чоралари қўрилади. Бу ишга фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг вакиллари, шунингдек, мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи энг хўрматли фуқаролар жалб этилаётми. Айни пайтда тармоқ ривожы йўлида соҳа инфратузилмасини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳам олиб боришмоқда. Хусусан, зооветеринария пунктлари ва чорвани сунъий қочиритиш масканлари тармоқини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Ветеринария пунктларини қишлоқ жойларидаги барча овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида очиб мўлжалланган.

Бундан ташқари, чорва зотини яхшилаш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилувчи бошқа тармоқлар ҳам кенгайди. Масалан, 2006-2010 йиллар даврида аҳолига 100 минг бошдан зиёд маҳсулдор зотли қорамоллар сотилиши қўзда тутилган. 600 дан зиёд иختисослашган омухта ем сотувчи дўконлар ташкил этилади. Қарорда қорамол боқувчи фуқароларни бандлик тоифасига киритиш ҳамда қишлоқ жойларида эҳтиёжманд ва кўп болали оилаларни қорамол билан бепул таъминлаш шартлари сингари тартибга

соловчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳам назарда тутилган.

Хушхабар

«Наврўз шодиёнлари асносида Ургут туман ҳокимлиги ҳудуддаги 200 нафарга яқин кўп болали, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ижтимоий ёрдам сифатида бир бошдан соғин ситир бериш тўғрисида қарор қабул қилди».

Кунги кеча олинган бу хушхабардан сўнг дарҳол туман билан боғланиб, у ердаги «Илонли» қишлоқ фуқаролар йиғини аъзоси Хурсаной Исқонвановнинг сўзини эътиб олдим.

— Саккиз нафар фарзандим бор. Аввало, Президентимизга, ҳукуматимизга ва туманимиз раҳбарларига минг раҳмат, «оклик» — сутта интиқлигимизни қўриб тургандек байрам кунлари «сизларга соғва» деб соғин ситир бериб кетишди. Энди, худо хоҳласа ситир ҳам ва унинг боқоқаси ҳам рўзгоримизга қўт-барока олиб қиради... Илоё, давлатимиз бой бўлсин...

Хулоса

Юртбошимиз ҳали 1996 йилдаёқ (роппа-роса ўн йил муқаддам) «Ўзбекистон иқтисодий ишловларни чуқурлаштириш йўлида» асаридега: «Ислоҳотлар стратегиясини рўёбга чиқаришда биз учун умумий устуворлик, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қучли қорамолларни амалга оширишдан иборат» — дея бу чора-тадбирлар орасида «ижтимоий ёрдамни унга муҳтож бўлган шахсларга бериш, бундай ёрдамнинг аниқ мақсадига йўналтирилганлигини қўчатириш» кераклигини алоҳида таъкидлаганди.

Дарвоқе, «Адолат» СДПнинг Фаолият дастуридан ҳам келиб чиқиб айтганидан бўлса, мамлакат аҳолиси манфаатларини таъминлашга қаратилган адолатпарвар, инсонпарвар тартиблар мавжуд бўлгандагина бугун рўй бераётган туб ўзгаришларнинг қучли ижтимоий асослари ҳам яратилиб боради.

Не бахтки, шундай асослар яратилмоқда ҳам!

Дўстлик ҳақида давра суҳбати

Жаҳон парламенти: Корея

Азалий қардошлиқнинг абадий умри

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Тошкентдаги учрашуви таассуротлари

Марат Укубоев, Оқолтин туманидаги Қ.Укубоев номи деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси:

— Бундай учрашувлар ва мулоқотлар асрлар давомида эт билан тирноқдек чатишиб кетган икки қондош-қариндош халқнинг истиқболга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Хурматли Президентларимизнинг мазкур мулоқоти Марказий Осиё минтақасида тинчлик кафолатига яна бир гаров бўлди. Мана шу нуктаи назардан, бу галги учрашув ҳам қозоқ ва ўзбек халқи нималарга қодир эканлигини яна бир қарра намойиш этди, дейиш мумкин.

Хозир фақат Сирдарё воҳасининг ўзидан салкам 40 минг нафар қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Бу дегани, агар Ўзбекистонда нотинчлик бўлса, қозоқларга ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Чунки, қайси бармоғимизни тишламайлик, вужудимизга оғриқ қиради, утақамиз зиркираб кетади.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида ягона иқтисодий худудни шакллантириш борасида бошлаган ҳамма саъй-ҳаракатлари ана шундай ноҳуш ҳолатлар олдини олишга ҳам кафолатдир.

Додҳоҳбек Айтмаганбетов, Сирдарё вилояти боқхона бошқармасининг алоқа бўлими бошлиғи:

— Ўзбек ва қозоқ халқининг дўстлиги ҳақида гап кетганда доимо Президентимиз Ислам Каримовнинг: "Бизлар буюқ Турон — Туркистон диёрида азалдан униб-ўсиб келаётган икки оға-ини халқимиз", деган пурмаъно сўзлари ёдимга тушади.

Дарвоқе, қадимий бу қардошлиқ узоқ ўтмишга эга. Иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларимиз тарихи ҳам жуда олис-олис замонларга бориб тақалади. Қолаверса, хозирги долғали дамларда ўзаро баҳамжихат иш юритмасе бўлмайди. Шу боиски, икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашиб туришларини ҳаммаша орзиқиб кутамиз. Бу галги мулоқотлар ва ахдлашувлар ҳам икки халқ ўртасидаги биродарликни янаям мустаҳкамлаб, ўзаро қўшничилик алоқаларимизни янги поғонага кўтарди, ҳамкорлиқнинг янги қирраларини очиб беради.

Мирзатои Умбетов, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси:

— Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан Тошкентдаги учрашуви, самимий мулоқоти қалбларимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Мамнуният билан айтаманки, мустақил Ўзбекистон ўз бағрида яшаб меҳнат қилаётган барча халқларга доимо ғамхўрлик, меҳрибонлик қўрсагиб келмоқда, уларнинг миллий кадриятлари ва анъаналарини янада ривожлантириш борасида қулай шарт-шароит яратмоқда. Мамнуният билан айтаманки, мустақил Ўзбекистон ўз бағрида яшаб меҳнат қилаётган барча халқларга доимо ғамхўрлик, меҳрибонлик қўрсагиб келмоқда, уларнинг миллий кадриятлари ва анъаналарини янада ривожлантириш борасида қулай шарт-шароит яратмоқда. Фарзандларимиз келажаги учун қозоқлар яшаётган туман ва маҳаллаларда алоҳида мактаблар ёки қозоқ тили синфлари очилган, Сирдарё педагогика билим юртида қозоқ тили ва адабиёти бўлими, Гулистон Давлат университетиде эса қозоқ филологияси факультети мавжуд. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қозоқлар ва Қозоғистонда яшаётган ўзбеклар дўстлиги азалий бўлган ва абадий бўлиб қолади.

"Мовий уй" синоати

Саодат ЖАББОРОВА тайёрлади

Корея Республикасида давлат ва ижроия ҳокимиятини президент бошқаради. Президент беш йил муддатга тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланиб, мамлакат конституциясига мувофиқ уни иккинчи муддатга қайта сайлаш мумкин эмас. Президент Бош вазир ва вазирларни тайинлайди, парламент эса тасдиқлайди. Шу билан бирга давлат раҳбари қуролли қучларнинг олий қўмондондир ҳамдир.

Президентга Бош вазир бошчилигидаги вазирлар Кабинети тобе ҳисобланади. Кабинет аъзолари ҳам давлат раҳбари томонидан тайинланади, парламент тасдиқдан ўтиши шарт. Қолаверса, бир қанча давлат муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг даражаси вазирликлар билан бир хил бўлса-да, улар Кабинет таркибига кирмай, тўғридан-тўғри президентга қарамдир. Хусусан, миллий разведка хизмати ва давлат хизмати ишлари бўйича Комиссия ва ҳокazosлар шулар жумласидандир.

Кабинетда 16 та вазирлик фаолият юритишига қарамай, Кореяда Вазирлар сони 31 нафардир. Гап шундаки, Кореяда вазир лавозими нафақат вазирликлар раҳбарлигига тегишли, балки баъзи ўта муҳим идоралар раҳбарлари ҳам вазир ҳисобланади. Кабинетини икки нафар уринбосарга эга Бош вазир бошқаради. Корея қонунларида кура, Бош вазирнинг биринчи уринбосари сифатида Иқтисодий ва молия вазир, иккинчи уринбосари эса Бирлашма

вазир (Бирлашма вазирлиги Жанубий Корея билан муносабатга алоқадор масалалар билан шуғулланувчи ташкилот) фаолият юритади. Аксарият вазирликлар таркибиде турли хил автоном агентликлар мавжуд.

Энди эса бевосита қонун чиқарувчи органга тўхталсак. Кореянинг бир палатали парламенти — Миллий Ассамблеяда 299 нафар депутат фаолият юритиб, 246 нафари бир мандатли округдан мажоритар тизим йўли билан сайланса, 46 нафари эса (5% аҳолининг имзосини йиғиб олган) партиалардан 4 йил муддатга сайланади.

Таъкидлаш жоизки, Кореядаги партиявий тизим ўта бекарорлиги билан ажралиб туради. Шу пайтга қадар ўз нуктаи назари ва позициясига эга барқарор партия тuzиш учун қилинган саъй-ҳаракатлар самара бермаётди. Партияларнинг аксарияти бирор обрўли сиёсий арбобни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган клублар сифатида фаолият юритади.

Корея парламенти давлат бюджети ва қонунларни қабул қилади, шунингдек давлатнинг юқори лавозимига президент тавсия этган номзодни тасдиқлайди (ёки рад этади) ҳамда халқаро шартномаларни ратификация қилади. Шу билан биргача, қонунга мувофиқ парламентнинг уруш эълон қилишига ҳаққи бор, бироқ амалда олий



ҳарбий қўмондон, яъни президент бундай қарорга келади. Корея парламенти бутун йил давомида фаолият юритмайди. Унинг иши асосан 100 кун — сентябрдан то декабрга қадар давом этади, истисно ҳолларда қўшимча сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

Кореянинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши ҳақида гап кетганда мамлакат 9 провинция ва 7 шаҳардан иборатлигини қайд этиш лозим. Маҳаллий ҳукумат раҳбарлари (губернатор ва мэrlар) авваллари шунчалик тайинланган бўлса, 1990 йиллар бошидан буён улар сайланадиган бўлишди. Бироқ уларнинг ваколати миқёси у қадар кенг бўлмай, балки асосий йўналиш Сеулдаги сиёсатчилар томонидан ишлаб чиқилади.

Бундай ёзилмаган қонун мамлакатнинг сиёсий ҳаётига тегишли бўлиб, Президент қароргоҳи — Сеул марказидаги унчалик катта бўлмаган бино "Мовий уй"да Корея тақдирини ҳал қилувчи барча муҳим қарорлар қабул қилинади.

Хориж хабарлари

Энергетик хавфсизлик йўлида



Ўтган ҳафта Европа Иттифоқининг икки кунлик саммити ўтказилиб, асосий эътибор энергетик хавфсизлик масалаларига қаратилди.

Иттифоққа аъзо 25 мамлакат раҳбарлари Еврокомиссия томонидан тайёрланган ва "Яшил китоб" номи билан ягона энергетика сиёсати лойиҳасини муҳокама қилган. Ушбу ҳужжатда Европани энергия захиралари билан таъмин этишчи муҳим давлат — Россияга алоҳида аҳамият берилган. Хозирда ЕИ газ эҳтиёжининг 50, нефть эҳтиёжининг 25 фоизини Россия ҳисобига қондирмоқда.

Россия билан энергетик ҳамкорликни кенгайтириш гоёси қатор Шарқий Европа мамлакатлари томонидан танқид қилинди. Улар саммитда муқобил "энергетик НАТО" тузиш таклифини кўтариб чиққан. Бу ташкилот энергия захираларининг ҳамкорлик асосида мунтазам етказиб берилишини таъминлаши ва Россияни бошқа экспортчилар билан рақобатлашишга мажбур қилиши керак.

Жозе Мануэл Баррозу Европа Иттифоқининг барча мамлакатларини умумий назорат остида бўладиган ягона нефть-газ бозорини яратишда ҳамкорликка ундади ва энергетика соҳасида ортиқча эҳтиёткорликдан тийилишга чакирди.

Шунингдек, саммитда Европа Иттифоқининг Лиссабон стратегиясини амалиётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди. Лиссабон стратегияси ЕИ фуқароларини ижтимоий ҳимоялаш ва Европа бозоридеги улкан рақобатни мувофиқлаштиришни назарда тутди.

Атом — муқобил энергия манбаими?

Дунё мамлакатларида атом энергиясига эҳтиёж ўсиши баробарида уран моддасига талаб ҳам ортиб бормоқда. Оқибатда сунгги пайтда жаҳон бозориде унинг қиймати ошяпти. 2005 йилда хомашё биржаларида уранининг нархи бошқа металлларники нисбатан анча қимматлашган. Бундай ҳолат жорий йилда ҳам давом этиши кутулаётди.


Атом энергиясига талаб ортишига нефть, газ ва кўмир каби табиий ёнилғи хомашёсининг баҳоси ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда ядровий қувват истеъмолчининг катта қисми Хитой ва Ҳиндистон, шунингдек, АҚШ ва Франция ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жаҳон бозорига чиқарилаётган уран миқдори қисқариб бораётгани ҳам унинг қимматлашуви таъсир этаётган омиллардандир. Бу моддани қазиб олиш ҳажми сунгги вақтларда сезиларли даражада камаймоқда. Маълумотларга қараганда, атом электр станцияларидаги ядровий ёнилғи га бўлган эҳтиёжнинг 60 фоизи аини вақтда қазиб олинаётган уран ҳисобига қопланар экан.

Бироқ, таъкидламоқ лозимки, дунё мамлакатларида мазкур модданинг улкан захиралари мавжуд. Халқаро экспертлар атом энергиясига талабнинг ўсиши келгусида бу соҳага йўналтирилдиган сармоя ҳажмининг кескин кўпайтирилади, деган фикрда. Уларнинг тахминича, 2030 йилга бориб мазкур мақсадлар учун сарфланадиган маблағ миқдори 200 миллиард АҚШ долларига тенг бўлар экан.



АҚШ долларининг қадри пасаймоқда



Яқин йиллар ичида АҚШ долларининг қадри кескин пасайиб боради. Дунёнинг энг бадавлат кишиларидан бири, америкалик сармоядор ва миллиардер Уоррен Баффет ана шундай фикрни илгари сурган.

Аммо доллар қадрсизланиши қачон рўй беришини аниқ айтиш мумкин. Бу жараён жорий йилда ёки беш йилдан сунг ҳам бошланиши мумкин. У.Баффетнинг фикрича, АҚШ хорижга

йилига миллиардлаб доллар пул ўтказиши, яъни махсулот сотиб олади ва эвазига капитал сотади. Хукумат эса, афсуски, бундай ҳолнинг олдини олиш учун ҳеч қандай чора кўрмаяпти. Америкалик сармоядорни мамлакат ташқи савдосидаги ҳаддан ташқари катта танқислик қаттиқ ташвишлантирмоқда. 2004 йилда долларнинг кескин қадрсизланишига айнан экспорт билан импорт ўртасидаги йирик тафовут сабаб бўлган эди. 2005 йилда Федерал захира тизимида қилинган ўзгаришлар натижасида хорижий сармоядорларнинг долларга қизиқиши бироз ортди.

Муताхассисларнинг таъкидлашича, савдодаги тафовутнинг йил сайин ортиб бориши келгусида долларнинг жиддий қадрсизланишига олиб келади.

Ислохот

Фермерлар ўқуви

С.ИСОМИДДИНОВ «Адолат» мухбири

Қашқадарё вилоятидаги 3 та бизнес мактаби — Қарши муҳандислик—иқтисодий институти қошидаги Қарши, Китоб ва Шаҳрисабз бизнес мактабларида фермерлар ўқитиш ва уларни қайта тайёрлаш йўлга қўйилди.

Китоб бизнес мактабиде бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Икки йилдирки, бу ерда фермерларни ўқитиш курслари доимий фаолият қўрсатмоқда. 2004 йилда махсус дастур асосида 170 нафар фермерлар ўқитилган бўлса, 2005 йилда бу рақам 1081 нафарни ташкил этди. 2006 йилнинг дастлабки ойларида эса 300 нафарга яқин фермерга курсни битирганлик тўғрисидаги сертификатлар топширилди.

— Ўқув курсларини Китоб, Яқкабоб, Чироқчи, Қамашни туманларида ҳам ташкил этганмиз, — дейди бизнес мактаби директори Незмат Холиёров. — 15 кунлик машгулотлар махсус дастур асосида олиб борилмоқда. Машгулотларда фермер хўжалиқларини ривожлантиришга оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти, улардан келиб чиқадиган вазифалар, махсулот сотиш ва моддий техника ресурсларини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш тартиб-қоидалари, хўжалиқларни бошқариш принциплари, усуллари, бизнес режа тузиш, банк, агротехника қоидалари, аудит хизматлари, сугурталаш, солиқ тури ҳамда шартлари каби мулоқот масалалар урганилмоқда. Тингловчиларга тажрибали мутахассислар дарс беришяпти.

Ўқувнинг сифатли ва самарали бўлиши йўлида машгулотларга туманлардаги қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармалари ходимлари ҳам қанб этилган. Ўқув ахунларида тармок раҳбарлари билан фермерларнинг савол-жавоб тарзидаги мулоқотлари ташкил этиляпти.



Шарҳловчи минбари

Демократиями ёки ...

Иброҳим НОРМАТОВ, Сиёсий шарҳловчи. «Туркистон-пресс»

Ўтган ҳафта Францияда юз берган тартибсизликлар жаҳон жамоатчилигини бефарқ қолдирмади. Бошбошдоқлик ва безориликдан гўзал Париж қўчалари зиён кўрди. Турли идоралар, савдо шаҳобчалари ва хизмат кўрсатиш тармоклари вайрон қилинди, автомашиналар ёқиб юборилди, полициячиларга ҳужумлар уюштирилди. Баъзи кўчалари шаҳардаги тартибсизликларда ярим миллионга яқин намойишчи қатнашди. Мамлакат миқёсида эса бу кўрсаткич бир ярим миллионга етди. Тартибсизликлар қарийб 160 та шаҳарда қайд этилди.

Бу нима — инқилобми ёки тўнтаришга уриниш? Йўқ, унис ҳам, буниси ҳам эмас. Бу — гарб ўлчовидаги демократиянинг бир қўрниши! Зотан, бундай ҳолат Европанинг бошқа шаҳарларида ҳам рўй бериб турибди. Кейинги пайтда Лондонда бўлиб ўтган тартибсизликларни эсланг. Кимлардир нимадандир норози бўлишса, тамом-вассалом, ўз норозилиқларини кўчага чиқиб бақир-чақир, ҳаммаёқни остин-устин қилиш билан намоеън этишадди. Хукумат буни эътиборга оладими-йўқми, бундан қатъи назар, кўчада тўполон уюштиришиб хумордан чиқяшадди... Умуман, гарб демократиясининг мо-

ҳиятига ва ёш демократларнинг бу каби саъй-ҳаракатларидан хайрон бўласиз.

Хўш, Францияда кимлар нимадан норози? Хукуматнинг таклифи, президентнинг розилиғи ва парламентнинг тасдиғи билан меҳнат шартномаси тўғрисидаги қонунга бир ўзгариш киритилди. Унга кўра, иш берувчи ёш мутахассислар билан тузилган меҳнат шартномасини икки йилгача уларга сабабини айтмасдан бекор қилиши мумкин. Ёшларда норозилик уюлган ва уларни тўс-тўполонга бошлаган сабаб шу. Хукумат бу билан ишсизлик муаммосини ҳал қилмоқчи бўлган. Бироқ бу қадам қаршиликка дуч келди.

Уринли савол туғилади: шундай пайтда юзага келган муаммони "кўча демократияси" йўли билан эмас, балки қонуний, яъни қонун демократияси йўли билан ҳал этишини иложи йўқмикин? Ахир, ўша ур-ийкит ва тўс-тўполонни уюштирганларнинг ҳамда тартибсизликда қатнашганларнинг парламентда ўз вакиллари, ўз тарафдорлари бор-ку! Хукуматнинг ҳар қандай таклифини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш уларга боғлиқ эмасми? Демократия аслида бошбошдоқлик эмас, балки қонун билан иш қўриш ва яшаш дегани-ку, ахир!

Албатта, Фарбий Европа оғизда эмас, амалда бошқаларга ибрат кўрсатгани тузук.

Фаолият

"Уچار"лар қўлга тушди

Маъмуржон БЕГМАТОВ, Яқкасарой туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, жаҳон талабларига мос ҳуқуқий асослари яратилди. Аммо...

Баъзи "учар" тадбиркорлар томонидан турли хил сифатсиз, ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган чет эл махсулотлари олиб келинаётгани, бу эса давлат ва жамият манфаатларига катта миқдорда зиён етказяётгани кўпчиликка кундай равшан. Бу каби ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларга қонуний чора қўришда Яқкасарой туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютата оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан бир қатор тезкор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шу ўринда миқдорларга мурожаат қилсак...

Тумандаги Усон Носир кўчаси, 2-вагон тор кўча, 1-йўда жойлашган омборхона ёнида ўтказилган тадбирда

фуқаро Александр Пак юк хатидаги имзоларни қалбақиллаштириб, 23 тўпламдаги "Pentium-4" компьютерларини, 5 дона "Принтер" ҳамда 4 дона "Сканер" ускуналарини харидорга ноқонуний равишда 13.700 АҚШ долларига сотаётган вақтда "тумшуги"дан илинди. Тадбир давомида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 16 миллион 440 минг сўмлик компьютер техника ускуналари далилий ашё сифатида олинди.

Худди шунингдек, фуқаро Х. Дўлтаева хорижда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 150 литр спирт махсулотларини фуқаро З. Муродовага қонунга хилоф равишда 240.000 сўмга сотганлиғи аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Аини пайтда мазкур ҳолатлар юза-сидан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юқоридеги каби ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида бўлим ходимлари жамоат жойларида, маҳаллаларда бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ижро самараси

Т. ТЕМИРОВ «Адолат» мухбири

Судларнинг ҳокимият сифатида мустақиллиги, унинг одилиғи, фуқароларнинг қонуний манфаатини ҳимояловчи орган эканлиғи чиқарган қарорининг ижроси билан исботланади.

Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими ходимлари ана шундай масъулиятни ҳис қилган ҳолда иш олиб бормоқда. Идорадаги 8 нафар суд ижрочисининг қўли-қўлига тегмайди. Биргина ўтган 2005 йилнинг ўзида 6871 та ижро ҳужжатлари бўлимага келиб тушган. Йил давомида шундан 5097 та ижро ҳужжатининг ижроси таъминланган, 168 миллион 390 минг 284 сўмлик давлат божи, жарималар ундирилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида 16 та юридик ташкилотнинг фойдаланилган электр энергиясидан қарздорлигини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатларининг ижроси тўлиқ таъминланган.

— Ҳар бир ҳуқуқий демократик жамиятда қонун ва қарорлар ижроси билан самарали, — дейди Термиз шаҳар суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси Ю.Сапаров. — "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун асосида қонун устуворлигини таъминлашга асосий эътибор қаратамиз. Жорий йилнинг дастлабки 3 ойида 2762 та ижро ҳужжатлари келиб тушди. Уларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш учун барча имкониятларимизни ишга солямиз.

Таълим фидойилари



Н. ХАЙДАРОВ олган суратлар

ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ: Ушбу таълим муассасасида 121 нафар ўқитувчи 1200 нафарга яқин талабаларга "Мактабгача таълим", "Бошланғич таълим", "Мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар" йўналишлари бўйича сабоқ бериб келишмоқда.

лими бошқармаси ёрдамида коллежимизда ўқитувчи ва талабаларга қулай шарт-шароит яратилган, дейди коллеж директори Муҳаббат Тажиева биз билан суҳбатда.

Вилоятлардан келган талабаларимиз учун коллеж ётоқхонаси ҳам замон талаблари асосида жиҳозланган. Шу боис 2004 йил пойтахтимиз бўйича ўтказилган "Энг яхши ётоқхона" курик-танловиди 1-ўринни олди.

Дарвоқе, коллеж жамоаси таълим-тарбия жараёнини ҳамжиҳатликда олиб бораётганлиги тўғрисида талабалар фан олимпиадалари, спорт танловларида муваффақиятли қатнашиб, қатор соврин ва медалларни қўлга киритиб келмоқда.

Ибратда ҳикмат кўп

Феруза АМАНЖУЛОВА, Гулрза туманидаги 33-мактаб директори ўринбосари

Ўқув қайда бўлса, улутлик булар, билим қанда бўлса, буюклик булар. Аллома Юсуф Хос Ҳожибга тегишли бу ҳикматни ҳар гал эсласам, кўз олдимга мактабимизнинг жонқуяри, ўз касбининг чинакам фидойиси, тажрибали математика ўқитувчиси Жумагул опа Рўзметова келаверади.

Таъбир жоиз бўлса, ўқувда улутлик, билимда буюклик мустақаб толган устоз касбдошим ҳали ўрта мактабдалигидек математика фанига ҳавас қўйди. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетига олтин медал билан келди. Олиғоҳчи ҳам имтиёзли диплом билан тугатди-ю, яна жонажон қилмоғига қайтди. Меҳнат фаолиятини қишлоқ мактабиди, ўқитувчилардан бошлади. Мана, йигирма беш йилдан ошдики, устоз ёш авлод таълим-тарбияси билан банд.

Жумагул опанинг бугунги кунда юзлаб шогирдлари айнан математика фани йўналишини танлаб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Улар орасида оддий ўқитувчидан тортиб, илмий тадқиқотчилару фан номзодларига боради.

— Сунги пайтларда мамлакатимизда мактабларни компьютерлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди у. — Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин дарсликларимиз ва таълимнинг мазмунни қанчалик пишиқ бўлмасин, агар эски қолипдан чиқмай дарс ўтилса, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчида ижодкорлик хислати ҳам бўлиши керак.

— Сиз, ўзингиз дарсни қандай ижодий ташкил қиласиз? — сўраймиз опадан.

— Ҳамма ўқувчи ҳам дабдурустдан мустақил фикр юритиш, мулоҳаза қилиш, хулоса чиқаришга қодир бўлмайди. Шунинг учун мен дарс жараёнида ўқиш, ўрганиш ва мулоаани ўқувчиларнинг ўз зиммаларига юклаб, ўзим ўқишдан ўқишни ўрганишларига, билимини мустақил эгаллашларига кўмаклашаман. Қузатувим жараёнида ўзлаштиришда орада қолаётган ўқувчилар билан алоҳида шугулланиб бораман. Агар синф раҳбари бўлсангиз, ўқувчиларнинг қайси фанга қизиқлишини ҳам ўрганиб, уларнинг келажақда касб танлашига кўмаклашинг. Ибрат бўлинг, ибратда ҳикмат кўп.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълолиси, жонқуяр мураббий Жумагул Рўзметова яқинда ўзининг ярим асрлик ҳаёт йўлини нишонлади. Мактабимиз жамоаси опага педагогик ишларида янаям катта муваффақиятлар, соғлик ва саломатлик тилаб қолади.

Спорт

Олотдан чиққан Алпомиш

Д. ЖАББОРОВ, "Адолат" мухбири

Ушанда Бухорода "Универсиада — 2002" мусобақалари ўтаётган эди. Узаро гурунгда машҳур курашчи Собир Қурбоновдан "полвон" билан "пахлавон"нинг фарқи нимада, деб сўрадим.

— Менимча, ҳеч қандай фарқи йўқ, — дея елка қисди Собир ака.

— Афсонавий Рустам Достонлар, Алпомишу Хожимуқонлар пахлавон бўлишган. Сиз ушалар сирасига кирасиз. Кечагина спорт устаси бўлган курашчи сиз қаторингизда пахлавон саналмайди. Улар полвон дейилади. Жаҳон пахлавонлари билан олишувларда гиламдан чиққанлар пахлавон! Халқнинг шаънини оламага ёйганлар пахлавон! Сиз Бухородан чиққан биринчи пахлавонсиз! Сиздан сўнг Шухрат, Ақобир, Камол, Фарход, Рауф, Ҳасан, Ботирлар ҳам ўз ваэнлари бўйича жаҳон чемпионлари. Демак, уларнинг ҳам дунё пахлавонлари қаторида ўрни бор, — дедим.

— Ҳ-у-у, бухоролик пахлавонлар ҳам ўн тача бўлиб қолибди-да, — деди Собир Қурбонов қафтарини бир-бирига ишқалаб.

— Худо хоҳласа, яна кўпаяди, — дедим.

— Ишонтириб айтаман, биттаси ҳозирнинг ўзида тайёр, — деди Собир ака ишонч билан. — Жаҳон миқёсидаги битта нуфузли мусобақага чиқарилса бас. Ушлаганини узадиган вақти ҳозир. Собир ака мактаётган полвоннинг кимлиги билан қизиқдим.

— Рамзиддин Саидов, — деди суҳбатдошим.

Узун бўйли, ихчам гавдали, мовий кўзлари ўткир боқувчи Рамзининг қиёфаси кўз олдимга келди. Асли исми Рамзиддин бўлса-да, мухлислари қисқагина қилиб Рамз, дейишади. Уни илк бор Олот туманидаги ихтисослаштирилган кураш мактабидида таникли мураббий Рустам Тўраев ҳузурда кўрган эдим.

Рамзиддин 1999 йили Бухоро Давлат университетининг жисмоний маданият факультетига ўқишга қабул қилинди. Машҳур мураббий Собир Қурбоновнинг қўл остида кураш машғулотида қатнаша бошлади. Бўладиган болани кўздан танийдиган Собир Қурбонов у билан жиддий шугулланишга киришди.

— Рақибга ҳадиксиз тик бориши менга ёқарди, — дейди мураббий Рамзиддиннинг кураш усуллари ҳақида гапириб. — Полвондан деган галабанинг ҳалогали интилиши керак. У ёшлиқнинг баъзи бир тошқин эътиросларини жиловлаб билиш лозим. Ақс ҳолда, бир сонияда ўз ёғига ўзи қорилиб қолади. Рамзиддинда ана шундай босиқ иродани кўрганман, унга ишонганман.

Рамзиддин Саидов "Универсиада — 2002"да яхши натижалар кўрсатди. Аммо бу натижалардан ўзи қониқмади.

Орадан икки-уч ой ўтиб, Рамзиддиннинг Ере-



Ўзбек кураши

ванда ўтадиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида эшитдим. Рамзиддин Арманистонда ўтган жаҳон чемпионатидан кумуш медалга қўл қайтди. Бронза. Кумуш. Навбат олтин медалга яқинлашаётган эди. 2002 йил охирида Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида II Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Рамзиддин Саидовни 73 килограмм вазнда Ўзбекистон терма жамоаси сафига олишти. Дунёнинг кўлаб мамлакатларидан келган атоқли полвонлар Гангадан мадад сўради. Пахлавонлар юрти вакили Рамзиддин полвон эса бу мададни она Бухородан, полвонпир Пахлавон Маҳмуддан сўради. Дехли кураши ҳақиқий йўлбарслар жангига ўхшарди. Рамзиддиндан финал жанги ҳақида сўрадим.

— Шубҳасиз, рақибим кучли полвон экан. Осмонга отсанг ҳам оёғи билан гиламга тушади. Сезгирлигига гап йўқ. Кучига ҳам, ақлига ҳам қўйил қолдим. Гиламда ўзини тутишдан ўзимдай ажриқорда кураш тушиб катта бўлгани сезилиб турарди. Шиддат билан "ўрама" усулини кўлаб "ёнбош" олдим. Яна бир довлратиби кўйиб, тагин очоли бўлдим. Ҳалабам эълон қилиниб, олтин медал олишим аниқ бўлганида, Осиё чемпиони, деб эътироф этилганимдан сўнг қаддимни ғоз тутиб шохсупага чиқдим. Маҳдумимиз дунёдаги энг улугвор кўшиқ бўлиб туюлди менга.

Рамзиддиннинг сўзларидан гурурланиб кетдим. Сўзларинг ҳам алпона бўлди, дедим унга. Сўзни сиздан ўрганганман, деди у. Укамдек эр-калаб бағримга босдим.

— Сен ҳақингдаги ёзган очеркимга "Олотдан чиққан Алпомиш" деб сарлавҳа қўяман, — дедим.

— Кўп ошириб юборманг, — деди Рамз, — жаҳон чемпиони бўлай, кейин ёзарсиз.

Яқинда Тошкентда кураш бўйича V жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Рамзиддин 81 килограмм вазнда барча рақибларини ҳалол енгиб, жаҳон чемпиони бўлди. Ёш бўлса-да, номдор пахлавонлар қаторига кирди.

Психолог маслаҳати

Хоҳиш ва истаклар

айниқса, зарарли ҳис-туйғуларга эрк берилганида шиддат, жўшқинлик ва руҳий қувват ҳам бахтсизлик манбаига айланиши мумкин

Ф. АКРАМОВА, А. УСМОНХУҲАЕВ

Хоҳиш-истакларимиз бизга лаззат, ҳузур-ҳаловат бағишлаши мумкинлиги учунгина унинг измига бўйсунмаслигимиз, унга ақл кўзи билан ёндашишни ўрганиб олмоғимиз лозим. Аввало, шуки, Сиз одамларга эътибор келтириши мумкин бўлган хоҳишларнинг пайини қирқийингиз керак. Иккинчидан, Сиз ўзингизнинг имкониятларингизни ва ўтмиш тажрибаларингизни тадқиқ қилиш асосида ҳиссий лаззат, ҳузур-ҳаловатни қайси миқдорда "ҳазм эта олиш" иктидорига эга эканлигингизни яхшилаб ўйлаб кўринг. Сизнинг ҳиссиётларингиз ва хоҳишларингиз аввал бошдан пок бўлмоғи, бу борадаги қуюшқондан чиқувчи ҳар қандай нафсингизни тия олишингиз, ушбу дақиқада ўз қобилиятингиз қандайлигига реал баҳо беришингиз лозим. Хоҳишингизни баҳолашда истатингиз аъмоли бўлмиш буюмни у қандай бўлса, шундай қабул қилишни ўрганиб олишни одат қилинг. Негаки, инсон ташқи жиҳатдан чиройли кўринишга эга бирон-бир аъмолга меҳр кўяр экан, кўпинча унинг ботиний дунёсига ҳақият бермайди. Мисол тариқасида жаннинг майлини олиб кўрайлик. Эракнинг аёлга ёки аёлнинг эракка ҳаддан зиёд жинсий майл кўйиши улардан ҳар бирининг "қўзини кўр, қулогини кар" қилиб қўяди, яъни улар бир-бирининг камчилигидан кўз юмадилар, аксинча. Бири иккинчисининг ижобий сифатларини кўп марта бўрттирилган ҳолда кўрадилар. Севишларнинг бир-бирларини бундай ортқик даражада баҳолашлари бор-йўғи бир афсона, хоҳишнинг онг устидан эришган галабасидир.



ларимизни мудом бажаради, муттасил ёш ва гўзал бўлиб қолаверади, деб тасаввур қиламиз. Афсуски, ҳаммаша ҳам бизнинг хоҳиш-истакларимиз кутилган самарани бермайди. Агар бу борада мағлубиятга учрасак, нохушлик ҳиссиётини бошдан кечирамиз. Объектга қанчалик кўп муҳаббат кўйган бўлсак, нохушлик ҳиссиёти бошимиздан шунчалик кучли кечади. Агар биз муҳаббат кўйган индивид ишончимизни оқласа, у ҳолда қуйидаги ҳолатга тушиб қоламиз, охир-оқибатда барибир икки, бир-биридан кескин фарқ қилувчи натижага эга бўлиб, ҳафсалани пир этувчи ҳиссиётни бошдан кечирамиз. Нега? Қўнглини совитувчи сабаб шундаки, хоҳишимиз объект (инсон ёхуд буюм) бизга фақат шу лаҳзада зарур бўла-

диган қувонч, лаззат бахш этиши мумкин: бироқ у ҳеч қачон умидларимизни оқлай олмайди: негаки, у худди ўзимиз каби камчиликлар ва қусурлардан холи эмас экан.

Инсоннинг хоҳиш-истаги қанчалик кўп бўлса, демак, у шунчалик ҳиссиётга бой, жўшқин ва шиддатлидир, шунчалик кўп руҳий қувватга эгадир. Агар у ёхуд бу шахс ўзининг хоҳиш-истакларини жиловлаб олмаса, айниқса, зарарли ҳис-туйғуларга эрк берса, мазкур аъмоллар унинг учун кулфатлар ва бахтсизликлар манбаига айланиб қолиши мумкин. Тарихда бунга кўплаб мисоллар бор.

Қиссадан ҳисса: Сиз ҳеч қачон ўзингизнинг номақбул, ўзингиз учун ва атрофдагилар учун зарарли бўлган хоҳиш-истакларингизни қондирманг, уларни жиловланг. Яширин, хоҳиш-истакларингиз орқали юзага чиқадиган кучларингиз вужудингизда, руҳий янгиликда тулланиб бораверади. Бунинг эвазига Сизнинг сиймоингиздаги эзгулик кучи соат сайин ошиб бораверади, ёвузлик кучи эса сусаяди. Сиз кун сайин қилмиш, руҳан бақувват инсонга айланиб бораверасиз.

Сиз ўз устингиздан қаттиқ назорат ўрнатинг, чунки руҳиятингизда жуда кўп қусурлар, камчиликлар мавжуд. Булар: жижзақилик, қаҳру ғазаб, ўзгаларни гийбат қилиш, қибру ҳаво, дангасалик, хиёнат, бахиллик, сўзасомоллик, ичкиликка, чекишга ружу қўйиш ва ҳоказо. Сиз бундай қусурларингизга эрк берманг. Бунинг эвазига Сиздаги ижобий сифатлар ривожланиб боради. Одамлар орасида хурмат-эҳтиром қозонасиз. Оғир-босиқ бўлишга, асабийлашмасликка, ҳовликмасликка интилинг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бирон-бир нарсадан норози эканлигингизни ўзгаларга ошкор этманг. Одамлардан мақтов, ҳушомад, тилгўламалик кутманг, ўзгаларнинг диққат-эътиборини жалб этиш учун ҳеч қачон ўзингиз ва бошқалар ҳусусида сўзасомоллик қилманг. Ҳар томонлама ўйлаб, ақл юритиб, мантқиққа суяниб иш тутинг, гапиринг. Манманликка, кеккайишга берилманг — бу Сизга ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин.

Навбатдаги галаба

Бохир БЕК

Профессионал бокс бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ўта оғир вазни енгилмас чарм қўлқоп устаси Темуриброҳимов АҚШнинг Флорида штатидаги Seminole Hard Rock Arena спорт мажмуида америкалик Кенни Крейвенга қарши навбатдаги рейтинг жангини ўтказди. Айтиш жоизки, ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг жорий йилдаги дастлабки беллашуви Темуриброҳимовни кутиб турган жиддий жанглр олдида синов вазифасини ўтади. Чунки, Кенни Крейвен Темуриброҳимовга нисбатан анча тажрибали бўлса-да, айни пайтда рейтингда юқори ўринларда қайд этилмаган. Профессионал рингда эса 44 та жанг ўтказиб, шулардан 27 тасини ўз фойдасига хал қилган. Америкалик чарм қўлқоп устаси Темуриброҳимов сингари кучли зарбага эга. У 22 марта рақибларини нокаутга учратган.

Бироқ, Темуриброҳимовга қарши ўтказилган жангда америкалик боксчиға тажрибаси ва кучли зарбаси ҳам ёрдам бермади. Саққиз раундга мўлжалланган жангнинг дастлабки икки раундда Кенни Крейвен ҳужумга зур берган ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг бир неча кучли зарбаларини ўтказиб юборди. Бунинг оқибатида америкалик боксчи Темуриброҳимовнинг қўли бандан келганини эътироф этиб, учинчи раундга чиқмаслигини маълум қилди. Шундай қилиб, Темуриброҳимов йигирма биринчи галабасини нишонлади.

Эслатиб ўтамиз, профессионал боксчилик фаолиятини 2000 йилнинг 29 март куни бошлаган ҳамюртимиз 22 та жанг ўтказиб,

шулардан йигирма биттасида голиб чиққан, 13 мартаба ратимиз шарафини муносиб ҳимоя қилбларини мuddатидан олдин мағлубиятга учратган, битта учрашувда дуранг натижа қайд этилган. Темуриброҳимов жангларга россиялик профессионал боксчи Султон Иброҳимов билан бирга АҚШнинг Флорида штатида таникли мураббий Панамеа Льюис бошчилигида тайёргарлик кўрмоқда.

Ҳамюртимизнинг профессионал рингдаги муваффақиятли иштироки рейтинг жадвалида юқори ўринларда турган боксчиларга қарши жанг ўтказиш ва яқин келажақда жаҳон чемпионлиги камарига даъвогарлар сафига қўшилиш учун имкон беради. Жумладан, ана шундай муҳим жанглрдан биринчисини Темуриброҳимов 24 июнь куни АҚШнинг Лас-Вегас шаҳридаги Caesars Palace спорт мажмуида америкалик Калвин Брокка қарши ўтказиши режалаштирилган. Жаҳон рейтингда бешинчи ўринда турган Калвин Брок ҳамюртимиз учун асосий рақиблардан ҳисобланади. У профессионал боксчилик фаолиятида 28 та учрашув ўтказиб, барчасида галаба қозонган, 22 мартаба рақибларини мuddатидан олдин мағлубиятга учратган. Айниқса, Калвин Брокнинг Жамил Маклайн, Клиффорд Этьен, Вилли Уилмьямс ва Шон Робертсон каби таникли боксчилар устидан қозонган галабаси муҳлису мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Айни пайтда эса Калвин Брок ҳам Темуриброҳимов сингари кучли рақиблар билан бўладиган жанглрда рейтингини ошириб, чемпионлик камари учун даъвогарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш ниятида.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгашининг ижтимоий-сийсий газетаси
Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Таъбир хайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРАТОВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14; Факс — 133-41-89; Котибият — 136-55-96; Сийсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89; Хатлар бўлими — 136-55-64; Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39; Иқтисодийёт ва саноат бўлими — 136-54-39; Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96
Навбатчи муҳаррир — Б. Тошназаров; Навбатчи — М. Абдушукров; Мухасшир — Н. Муҳсимова; Саҳифаловчи — Л. Турсунов
«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кучаси, 41-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Буюртма Г — 500; Ҳажми — 4 босма табоқ; Офсет усулида босилган; Қогоз бичими А-2; Адади — 2045
Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.
Босишга топшириш вақти — 2000; Босишга топширилди

ТАФАККУР 4